

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

# Нишониқ

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 1-sentabr, №35 (1024)

## Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Юртимизнинг барча жойларида бўлганидек, энг азиз ва энг улуғ байрам — Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни прокуратура органлари меҳнат жамоаларида шоду хуррамлик билан нишонланди.



Бош прокуратурада

## Байрам тадбири бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам юртимиз истиклолининг 25 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Бош прокуратуранинг меҳнат жамоаси, Ҳарбий прокуратура, СВОЖДЛКК департаменти ходимлари иштирок этишди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев байрам табриги билан очиб, йирилганларни улуг айём билан кутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2016 йил 25 августдаги

Фармонида биноан прокуратура органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Тадбирда Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медалларига сазовор бўлганлар тантанали тарзда табрикланди.

Шунингдек, ўзларининг самарали ҳамда фидойи меҳнатлари билан ўрнатилган прокуратура ходимларининг бир гуруҳига "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари, Бош про-

Шухрат АЛЛАМБЕРГЕНОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

курорнинг буйруғи билан эса фахрий ёрликлар топширилиб, ташаккурнома эълон қилинди.

Маросимда мустақиллик байрамига бағишлаб Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари ўртасида ўтказилган футбол ҳамда теннис мусобақаларининг голибларига ҳам махсус совринлар топширилди.

## Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2016 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчилиқни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида прокуратура органлари ходимларидан куйидагилар бор:

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

Ачилов Илҳом Каландарович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Куролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқона органларида қонунчилиқ ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

Цой Эдуард Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг биринчи ўринбосари

### «Жасорат» медаллари билан

Юсупов Джахонгир Нодирович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

### «Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

Пак Вячеслав Юревич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий

даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг бошқарма бошлиғи ўринбосари

Саидкаримов Саидлазиз Саидасилович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Таджиев Эркабай Аминович — Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

### «Шухрат» медаллари билан

Адашбекова Рано Шадмановна — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар прокуратураси катта нозир

Дадаходжаева Барно Кочкарвона — Тошкент шаҳар прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси

Мирсафаев Джаҳонгир Сирожиiddинович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғи

Худайбердиев Бахтиёржон Толибович — Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари  
Юсупов Уктамбой Абсамадович — Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани прокурори

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Ш.Узаковни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бошлиғи лавозимига тайинлаш тўғрисида

Шухрат Шаропович Узаков Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бошлиғи лавозимига тайинланган Шухрат Узаков 1961 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1984 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри, 2016 йил 26 август

## Шухрат Шаропович Узаков

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бошлиғи лавозимига тайинланган Шухрат Узаков 1961 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1984 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган.



Ш.Узаков прокуратура органларидаги фаолиятини 1985-1989 йилларда Самарқанд вилояти прокуратураси тергов бўлими прокурори, катта прокурори лавозимларидан бошлаб, 1990 йилгача Каттақўрғон шаҳар прокурори ўринбосари, 1991 йилгача вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиғи ўринбосари, 1992 йилгача Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси ҳамда вилоят прокуратураси ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, талон-тороғ ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш гуруҳи бошлиғи лавозимида хизмат қилди. 1992-1999 йилларда Самарқанд ҳарбий прокурори, 2001 йилгача эса Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори лавозимида фаолият юритди. 2003 йилгача Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 2003 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори бўлиб ишлади.

### Парламентда

## Ижтимоий-сиёсий муҳим масалаларга бағишланди

Жорий йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи япми мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб мажлисда Сенат Раиси Н.Йўлдошевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг ўтган даврдаги фаолиятига ва келгуси йиллардаги устувор вазифаларга бағишланган маърузаси тингланди.

/Давоми 2-бетда/

# Ижтимоий-сиёсий муҳим масалаларга бағишланди

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

Маърузада Сенатнинг ўтган йиллардаги фаолияти айрим жиҳатларини танқидий таҳлил қилишга ва келгуси даврда парламент юқори палатаси иш самарадорлигини оширишнинг устувор вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда демократлаштиришга қаратилган қонунларни қўриб чиқишга киришилди.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Ушбу қонун ёшлар сиёсатининг асосий қоидалари, бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқишга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, тўғридан-тўғри таъсир қилишни яхлит қонун ҳужжатида мумкин бўлган ҳадда қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қонунда ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг куйидаги устувор йўналишлари мустақамлаб кўйилди: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларни, ёшларнинг очик ва сифатли таълим олишини таъминлаш, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни қонунларга, миллий

ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик гоёларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини, ёшлар тadbиркорлигини ривожлантириш ва ҳоказо.

Сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимиз ёшларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама баркамол шахслар қўлиб шакллантиришга қаратилган чора-таdbирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланган ва парламентнинг куйи палатасига киритилган ҳамда ички ишлар органларининг мақоми, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эр-



кинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усулларини аниқ белгилаб беришга қаратилган.

Мажлисада ушбу қонун ички ишлар органлари тизими ва тузилишини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда ваколатларини, уларнинг ҳодимларига нисбатан қўйилган талабларни, шунингдек, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини аниқ белгилаб бериши таъкидланди.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустақамлаб кўйилмоқда. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини, юридик ҳамда жисмоний шахслар мол-мулки ҳимоясини таъминлаш вазифалари юклатилмоқда.

Қонунда ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини, ички ишлар органлари хизматида қабул қилишга доир қўйилган асосий талабларга, хизмат ўташ шартларига алоҳида ўрин ажратилган.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонун ички иш-

лар органлари нуфузини мустақамлашга, улар фаолиятида қонунийликни таъминлашга, шунингдек, ҳодимларнинг аниқ зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича жавобгарлигини оширишга кўмаклашди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисада сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи тўғрисидаги қўриб чиқилган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) қўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, қонуннинг асосий мақсади ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришдан, ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш тизими самарадорлигини оширишдан, уларнинг яшаш муҳитини сақлашдан, шунингдек, қонуннинг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлашдан иборат.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши табиий шaroитларда ёввойи ҳайвонларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини сақлаш,

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,  
«Huquq»

улардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги (янги таҳрири), Олий Мажлисининг куйи палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қўриб чиқдилар ва атрафлича муҳофизатдан сўнг маъқулладилар.

Шунингдек, сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансabdор шахсларига парламент сўровларини юбориш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Бундан ташқари, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик судининг таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масала ва Сенатнинг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқдилар. Барча қўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган ялпи мажлисида 10 та масала, шу жумладан, 6 та қонун қўриб чиқилди.

## Фахрийлар ҳамisha эъзозда

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигига тинчликни мустақамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, кексаларни эъзозлаш, эртаимиз эгаларини баркамол қилиб воёга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бинобарин, буюк аждодларга муносиб бўлиш, юртимиз тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳар биримиз, аиниқса, ёшларнинг муқаддас бурчидир.

Хусусан, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда ёшлар билан бир қаторда фахрийларимиз ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахассисларнинг касб маҳо-

рати ва малакасини ошириш, ўз ишини мукамал ўрганиб, етуқ мутахассис сифатида шаклланишига, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан адо этишига эришиш мақсадида прокуратура органларида узоқ йиллар меҳнат қилган прокуратура фахрийлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчилари билан учрашувлар ва давра сўхбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, аънанага мувофиқ жорий йилнинг 24 август кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Жинoий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш" мавзусида Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг инспекторлари билан прокуратура соҳасида бир неча йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қариллик гаштини суриб келаяётган фахрийларнинг учрашуви бўлиб ўтди.


Уни Республика Бош прокуратураси Олий ўқув курсларининг катта ўқитувчиси, юридик фанлар доктори Бахтиёр Пулатов кириш сўзи билан очди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамoатчилик Маркази раиси Ботир Калонов сўзга чиқиб, истиқлол йилларида прокуратура органларининг вазифаси ҳар томонлама тубдан ўзгарганлигини, тизимда ҳодимлар ҳамда фахрийларга катта эътибор берилаятганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди ва Марказнинг ташкил этилиши, фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берди. Хусусан, бугунги кунда Марказ 416 нафар прокуратура фахрийларини бирлаштирган бўлиб, улардан 8 нафари "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист", 8 нафари "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист", 14 нафар фахрий "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвонига эга, 67 нафари эса

Гули ҲОЖИБОЕВА,  
«Huquq»

"Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишонини билан тақдирланган.

Шунингдек, учрашувда юрт тинчлиги ва оsoйишталиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида фидoйилик кўрсатган, катта ҳаёт мактабини ўтаган кексаларимизни шарафлаш, уларга ғам-ҳўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойийтгани эътироф этилди.

Тadbирга ташриф буюрган прокуратура органи фахрийси Бахтиёр Ҳакназаров иштирокчиларга тинч-оsoйишта ҳаётнинг қадри, фаровон турмушининг ҳикмати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик, меҳроқибат муҳити ҳамда касб одоб-ахлоқи хусусида сўзлаб берди ва ўзининг бой ҳаётий тажрибаларидан ҳам мисоллар келтирди.



## «Afrosiyob»ning навбатдаги манзили Бухоро

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" поездининг Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ноқ темир йўл транспортини изчил ривожлантириш орқали ягона миллий темир йўл тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Узқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмошди. Бунинг самарасида ўтган йигирма беш йилда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, асосий транзит участкалар реконструкция қилинди ва электрлаштирилди. Янги йўналишлар ташкил этилиб, янги йўллар, вокзаллар қурилди, мавжуд темир йўл вокзаллари таъмирланди.

Навоий — Учкудук — Султон Увайс-тоғ — Нукус темир йўли мамлакатимиз шимолини марказ билан, Амударё орқали ўтган кўприк эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини бошқа ҳудудлар билан боғлади. "Аср мўъжизаси" деб ном олган ноёб иншоот — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линияси жанубий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қамчиқ довои орқали ўтган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ва ундаги Қамчиқ туннелининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш имкониятини яратди. Мазкур темир йўл тармоғи Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Бундан беш йил аввал, истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" поезди қатнови йўлга қўйилди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди. 2015 йилда Мароқанд — Қарши темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунига етказилди ва "Afrosiyob" поезди Қарши шаҳрига қатнай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори асосида ўтган йили Самарқанд — Бухоро йўналишидаги мавжуд темир йўл линияларини реконструкция қилиш, янги пўлат излар ётқишиш ҳамда электрлаштириш ишлари бошланди.

Мазкур йўналишдаги темир йўл 259 километр. Умумий қиймати қарийб 400 миллион АҚШ доллари ташкил этувчи лойиҳа қисқа муддатда, яъни 16

ойда амалга оширилди. Мингдан ортиқ темир йўлчилар, курувчи ва мутахассислар ҳар қандай об-ҳаво шароити ва табиат инжиқликларига қарамай белгиланган ишларни ўз вақтида, сифатли бажарди. 220 дан ортиқ замонавий техника ва механизм ёрдамида 16,2 миллион кубометр тупрок ишлари бажарилди. 146 километрик Мароқанд — Навоий участкасида ер кўтарма ишлари амалга оширилиб, алоҳида янги темир йўл қурилди. Навоийдан Бухорогача бўлган масофада мавжуд пўлат излар тўлиқ реконструкция қилинди.

Темир-бетон таянчлар, туташтириш тармоқлари, кўндаланг металл мосламаларнинг ўз вақтида етказиб берилгани иш суръатини бир меъёрга ва кўзда тутилган муддатда олиб бориш имкониятини берди. Эътиборлиси, тармоқни электрлаштиришда ишлатилган 6 мингдан ортиқ темир-бетон таянчлари ва бошқа жиҳозлар маҳаллий корхоналар томонидан тайёрланган. Магистралнинг икки томонидаги 500 километрдан зиёд масофага металл тўсимлар ўрнатилди.

Ушбу йўналишда 222 та сунъий иншоот, жумладан, 1 та пиёдалар ўтиш йўлуги, 4 та йўл ўтказгич ва 4 та кўприк қуриб битказилди. Поездларни доимий электр қуввати билан таъминлаш мақсадида ҳудудда 4 та электр станцияси бунёд этилиб, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди.

Каттақўрғон шаҳрида бир йўлга юз нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга замонавий вокзал биноси қад ростлади ва бугунги кун таълаблари даражасида жиҳозланди. Узунлиги 400 метрни ташкил этувчи бетон платформа бунёд этилди.

Лойиҳа доирасида Бухоро вокзали замон талаблари даражасида реконструкция қилинди. Эски, кўримсиз бино ўрнида 300 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган мухташам вокзал биноси қад ростлади. Мажмуада йўловчилар учун жаҳон андозаларига мос шaroит яратиш мақсадида энг сўнгги русумдаги техник воситалар, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Кенг, кўркам кутиш зали, чиптахоналар, она-бола ва тиббиёт хонаси барпо этилди. Юқори мартабали меҳмонлар ва сайёҳларни кутиб олиш, кузатишга мўлжалланган зал қурилди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида ушбу лойиҳа тўлиқ нияосига етказилиб, фойдаланишга топширилди ва 25 август кuni Тошкент — Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поездининг илк қатнови амалга оширилди. Поездининг дастлабки йўловчилари меҳнат фахрийлари, темирйўлчилар, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари фаоллари ва ёшлар вакиллари бўлди.

/Давоми 7-бетда/

## Тошкент — Андижон поезди қатнови йўлга қўйилди

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида қурилиши якунланган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли орқали 27 август кuni йўловчи поезди Тошкентдан Андижонга йўл олади.

Хамманинг юзида хурсандчилик. Поездга чиқаётган отахону онахонлар тилидан шукроналик тушмайди: шу кунларга етказганига шукр! Мамлакатимиз гуллаб-яшнаверсин. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.

Йўловчилар мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, хусусан, транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашиб кетди. Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигининг илк йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда минглаб километр янги темир йўллар қурилди, замонавий йўл инфратузилмаси яратилди.

Президентимиз Ислам Каримов 2013 йил 26 апрель кuni халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрэн — Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўли қурилиши режалаштирилгани, 2016 йилда бу темир йўл қуриб битказилиши ва поезд қатнови йўлга қўйилишини таъкидлади.

Ана шу сўзларнинг исботи сифатида қисқа вақтда 123,1 километрик Ангрэн — Поп темир йўли ва унинг таркибиде 19,2 километрик Қамчиқ туннели қуриб битказилди. 2016 йил 22 июнь кuni Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик лойиҳаси ижроси бўлган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Бу билан мамлакатимизда яхлит, мустақил ва замонавий темир йўл тизими яратилди. Улкан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг коммуникация ва транспорт соҳасида эришган таррақияти даражасини намоян ётди.

— 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Қарамоми Таваккал Топволдиев. — Давлатимиз раҳбарининг Тошкент — Андижон поезд йўли қурилиши ҳақидаги сўзлари наинки Фарғона водийси, балки бутун мамлакатимиз ахлининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг ижобати, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимиздан беҳад бахтиёримиз. Мазкур йўл Фарғона водийси вилоятларига поездда юк ва йўловчи ташвиш имконини беради. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит ролин кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

— Ҳн миллиондан зиёд аҳоли яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан транспорт коммуникациялари анча чегараланган эди, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлигининг ўринбосари — Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи, Ўзбекистон

Қарамоми Эркин Уматов. — Собиқ тузум даврида барча коммуникация тармоқлари, авваламбор, транспорт-логистика алоқаси қўшни республика ҳудуди орқали ўтар эди. Бу ҳолат аввало аҳоли, қолаверса, иқтисодийёт учун кўплаб ноқулайликлар туғдирарди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар тезроқ келишини орзу қиларди. Президентимиз мустақиллигининг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Дастлаб Қамчиқ довои орқали янги автомобиль йўли қурилди. Бу йил халқимизнинг ана бир орзуси ушларди — темир йўл ҳам фойдаланишга топширилди.

— Бугун халқимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Энаҳон Сиддиқова. — Мен ҳам ушбу байрамда иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзларимга кувонч ёшлари келди. Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати тўғрисида шундай улкан ютуқларга эришяпмиз.

...Поезд Ангрэн, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан ўтиб, Андижон шаҳрига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни қарнай-сурнай ва гуллар билан кўтиб олди.

— Тошкентдан Андижонга замонавий поездда қулай шaroитда қандай келганимизни ҳам сезмай қолдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Собиқ тузум даврида алмискодан қолган поездларда қўшни республика орқали минг азоб билан йўл босганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Бугунги хурсандчилик мустақиллигимиз, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислохотлар мевасиди! Бу том маънода тарихий воқеадир. Андижон темир йўл вокзалида ушбу воқеа муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофиа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф.Дадаҳўжаев, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов, Наманган давлат университетини профессори Т.Файзуллаев, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори С.Фозилжонова ва бошқалар Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада таррақий этишига, халқимиз турмуш фаровонлиғи бундан-да юксалиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Шу кuni поезд Андижондан пойтахтимизга қайтиб келди.

ЎЗА



# Саодат йўлини кўрсатган сана

«Мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат, аввало, халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчаимизга ўзлимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқамал динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарсаси билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санандир».

Ислом КАРИМОВ

Бугун халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик куни. Мана, 25 йилдирки, бизни буюк келажак, бахт-саодат сари бошлаган бу кутлуғ санини катта шоду хуррамлик билан байрам қилиб келаямиз. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда шундай улуғвор ўзгариш ва янгиликлар рўй бердики, улар чорак аср эмас, асрларга татигуликдир. Бир умр эркин ва озод ҳаётни орзу қилиб яшаган, лекин истиқлолни кўриш nasib этмаган юртдошларимиз бундай ўзгаришларни тасаввур ҳам эта олмаганлар. Мустақиллик дунёқарашимизни, ҳаётимизни, онгу тафаккуримизни том маънода ўзгартириб юборди.

Буюк ўзгаришларни тарихий зарурият юзага келтиради. Мамлакатимиз тарихида унутилмас сана бўлиб қолган 1991 йил 31 августда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ана шундай зарурият эди. Собик иттифок даврида халқимиз тортган жабру зулмлар, тенгсизлик ва таҳқирлашлар, аслида жуда катта салохиятга эга бўлган юртимизнинг иқтисоди қолоқ, одамлар ҳаёти ночор аҳволга тушиб қолиши бундан кейин бу аҳволда яшаб бўлмаслигини, давлат мустақиллигини қўлга киритишни талаб этарди. Юртбошимиз ана шундай мушкул бўлган бир вазиятда бутун масъулиятни зиммасига олиб, халқимизни мустақиллик сари бошлади. Дадил сазой-харакатлар, тарихий жасорат, буюк мақсадлар ҳосиласи сифатида дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси, деб номланган мустақил суверен давлат пайдо бўлди.

Ҳар бир суверен давлат ўз келажигини, тараққиёт йўлини ўзи белгилар экан, энг аввало, бунинг мустақам ҳуқуқий асосини яратишга интилади. Бундай мустақам пойдевор, шубҳасиз, мамлакат Конституцияси ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз раҳбари "Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома", деб таъкидлагани беҳиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил Ватанимиз танлаган тараққиёт йўлини, халқимиз хоши-иродасини бутун дунёга маълум қилган ана шундай муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мустақиллик ва Конституция. Бу икки сўз мазмун-моҳиятига кўра бир-бирига узвий боғлиқ тушунчалардир. Мустақиллик сингари янги Конституция сари илк қадам ҳам истиқлол арасида, одамлар онгда сиёсий уйғошни, ўзликини англаш бошланган

бир даврда ташланган эди. Истиқлолга осонгина эришмаганлигимизни англаш учун шу ўринда баъзи тарихий саналарни ёдга олиш лозим. Республика Олий Кенгаши 1989 йил 21 октябрдаги қонун билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ордан кўп ўтмай ҳали собиқ Иттифок таркибиде бўлган пайтимида мамлакатимизда президентлик институти жорий этилди. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида "Мустақиллик Декларацияси"нинг қабул қилиниши истиқлол йўлидаги муҳим қадам бўлди. Президентимизнинг 1991 йил 27 август кунги Фармонида кўра, республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик комитети Ўзбекистон тасарруфига олинди. Шу вақтга қадар коммунистик партия таъсирида бўлиб келган маъруз органлар ва бошқа ҳуқуқий тузилмалар партиядан холи этилди. Бу сазой-харакатлар жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Ниҳоят, 1991 йил 31 августда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бундан кўриниб турибдики, мустақиллик бирданига эълон қилинган воқеа эмас, балки унга қадамма-қадам тайёргарлик кўрилган, мустақам ҳуқуқий замин ҳозирланган.

Маълумки, давлат мустақиллигини эълон қилиш билан мамлакат мустақил бўлиб қолавермайди. Бунинг учун тараққиёт йўлини тўғри белгилаб олиш, барча соҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш лозим эди. Ана шу мақсадда Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнаомлигида Конституциямиз гоёлари асосида "Ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўли танланди. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда шундай деган эди: "Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуну — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафқурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вази-

фасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир".

Шуни эътироф этиш лозимки, ўтган чорак аср мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилган ўзгаришлар, эришилган улкан ютуқлар, дунё ҳамжамиятида мамлакатимизнинг нуфузли ўрнини эгаллаши, иқтисодиётимиз барқарор, юқори суръатлар билан ривожланаётганлиги, халқимиз турмуш даражаси ниҳоятда яхшиланганлиги ана

ши белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш мақсадида туб ислохотлар амалга оширилди. Икки палатали миллий парламентимиз ташкил этилди. Айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата — Сенат аъзолари Ватанимиз манфаатларига уйғун равишда ҳудудлар манфаатларига дахлдор масалаларга эътиборни қараётган бўлсалар, қуйи — Қонунчилик палатаси депутатлари қонун ижодкорлиги билан шуғулланмақдалар.

Президентимиз "Мустақиллик бу — энг аввало ҳуқуқдир", деган эди. Дарҳақиқат, амалга оширилган ҳар бир ишнинг ҳуқуқий замини мустақам бўлсагина, кўзланган натижага, улуғвор мақсадларга эришилди. Истиқлолнинг ўтган даврида ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислохотлар жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан кўзланган мақсад қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини чинакамига ҳимоя қилишдир.

Суд тизимини такомиллаштириш мақсадида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш имкониятлари кенгайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқий ислохотлар жараёнида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. Айниқса, жазо тизимини либераллаштириш мақсадида жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

2008 йилнинг январидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо турининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлибгина қолмай, инсонпарварликнинг ёрқин намунаси ҳамдир. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақуллода жазо чораси бўлиб, фақат

Салом САМАДОВ,  
Қашқадарё вилоят прокурори


икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади.

Шунингдек, 2001 йилда жорий этилган ярашув институти халқимизнинг раҳмдиллик ва кеңиримиллик фазилатларининг амалдаги ифодасидир. Ярашув институти талабларига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабранувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Маълумки, собиқ тузум даврида аксарият одамлар прокуратура "қораловчи орган" сифатида тасаввур этар эдилар. Ўтган даврда мамлакатимиз прокуратураси фаолиятини ислох қилиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Конституциямиз билан олдинга-кейин, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида ҳуқуқий муҳофаза қилувчи бу органининг вазифа ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Прокуратура фаолиятини ислох қилиш жараёни давом эттирилиб, 2001 йилда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди ва ушбу ҳужжатга мувофиқ, фуқаролар прокурор назорати объектилари қаторидан чиқарилди. Айнан мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қайта шаклланиб, инсонпарвар хошия қасб этди. Бугун юртдошларимиз бу органи ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган орган сифатида билладилар ва буни амалда ҳам кўриб турибдилар.

Бугунги кунда барча соҳаларда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу мустақиллигимизни мустақамлашга дахлдор масала. Шу боис қонунларимиз ижросини назорат қилишни такомиллаштириш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириб, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вилоятимиз прокуратура органининг ҳам асосий вазифаси, ҳам мустақиллигимизни мустақамлашга қўшадиган ҳиссаларидир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон иқтисодиёти истиқлол йилларида 5,5 каррадан зиёд ўсганини, халқимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 баробар кўпайганини, фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етганини мамнуният ва фахр билан қайд этган эди. Дарҳақиқат, мустақиллик берган неъматларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Томчида қуёш акс этганидек, ана шу маълумотнинг ўзи ҳам мустақилликнинг буюк қудратини намоён этиб турибди.



шу тараққиёт йўли — "ўзбек модели"нинг самарасидир. Ўтган йилларда эришган улкан ютуқларимизни мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларнинг таъсири билан бўлганлиги, албатта. Конституциямизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қили-

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаятган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезиригимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаллас қадриятларимизга йўғирилган ва улардан озуқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.

Ислом ҚАРИМОВ

## Маънавий юксалиш

Хасан НАРКУЛОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Чирчиқ шаҳар бўлими инспектори

Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қўлга киритгач, унгача, яъни мустақилликгача амал қилган ягона коммунистик ғоя ақида-ларидан воз кечди ва маънавий тикланиш ва юксалишни амалга ошириш учун миллий истиқлол ғоясини асосий таянч ва суянч деб билди. Мамлакатимизда бу соҳада ислохотларни амалга оширишда Президентимиз раҳбарлигида миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари белгилаб олинди ва ишлаб чиқилди. Бу халқимизнинг асрий орзуси, қўзланган юксак мақсадларига етишишда асосий омил бўлди.

Маънавият шундай кучки, у одамнинг ички дунёсини бойитиб, аймон-эйтиқодини мустаҳкам қилади. Маънавиятни тушуниш учун, энг аввало, инсонни тушуниш, англаш керак. Инсон умри давомида бой маънавий меросимизни қанчалик чуқур ўзлаштира, унинг маънавияти шунчалик юксалиб боради. Зеро, аждодларимиздан қолган тарихий маданий-маънавий мерос ҳозирги авлод учун битмас-туганмас хазинага тенгдир.

Албатта, маънавиятни шакллантиришда оила, маҳалланинг таъсири, таълим-тарбия тизими алоҳида ўрин тутаяди. Ҳар бир киши, энг аввало, маънавий сабоқлардан оиласи бағрида баҳраманд бўлади. Ота-она фарзанди тарбиясида унинг маънавий оламини бойитишга болалигидан қунт билан эътибор қаратса, боғнинг самараси янада юқори бўлади.

Миллий истиқлол ғоясининг маъно-мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, у Ўзбекистонда яшайётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мумкин бўлган даражада қўллаб-қувватлаш, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги тушунчаларини ўз ичига олади. Бу ўзига хос чуқур фалсафавий ва ғоявий маъно-мазмунга эга.

Мамлакатимиз олдида турган олижаноб орзу-интилопларимизни амалга оширишнинг муҳим шарт ва қафолати тинчлик ва оқойишталик билан боғлиқ. Тинчлик ва оқойишталик таъминланган жойдагина жамият ривожланади, маданият гуллаб-яшнайдиган. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги билан боғлиқ ғоялар ва мақсадлар ҳам миллий ғоянинг асосий мазмунини ифода этади.

Бугунги кунда миллий ғоянинг узвий-таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларининг маъно-моҳиятини мамлакатимизда олиб бораётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялаш борасида кенг миқёсдаги улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамлаб, туб ислохотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида ўсиш суръатлари барқарорлик касб этди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз эришаётган муваффақиятлар танланган тараққиёт йўлимизнинг ҳар жиҳатдан тўри эканлигини исботлаб бермоқда. Маънавият соҳасида эришилаётган ютуқларимиз мамлакатимизда кучли ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қурилишида асос бўлмоқда. Ислохотларни амалга оширишда халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ қадриятлар тизимининг тикланиши халқимизнинг Конституцияда белгилаб берилган олижаноб, юксак мақсадларига хизмат қилмоқда.

# Одам савдоси — аср муаммоси

Азиз ЖАМОЛИДИНОВ,  
Наманган ҳарбий прокуратураси терговчиси



Жаҳон миқёсида кўпайиб бораётган жиноят турларидан бири — одам савдоси жинояти чегара танламаслиги ҳамда домига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётгани билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашча, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад бир неча миллиард АҚШ долларини ташкил этади. БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллиондан ортиқ инсон одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Уларнинг орасида аёллар ва болаларнинг ҳам борлиги ачинарлидир. Ҳўқорида қайд этилган кўрсаткичлар ҳар қандай одамни ўйлантириб, ташвишга солиши турган гап.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Унга батамом барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилиб, ушбу йўналишдаги қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз истиқлолга эришган қадар қонунийликда бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас эди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган

## Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимояси

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти ўша юртдаги оилаларнинг мустаҳкамлиги, уларнинг барқарорлигига чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, оила — барча эзгу тилаклар, орзу-умидлар рўёбга чиқадиган қутлуғ маскан ҳисобланади. Зеро, инсон ўз саодатини, аввало, оиласи бағрида топади.

Халқимизнинг абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган миллий ва диний урф-одатларимизни асраб-авайлайдиган ва уларни келгуси авлодга етказадиган тарбия маскан оилалар. Ҳозирги кунда оиланинг жамиятимиздаги ўрни ва унинг тараққиётидаги аҳамияти бекиёсдир.

Бинобарин, Президентимиз Ислом Қаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан "Асосий вазиғамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" деб номланган маърузасида таъкидланганидек: "Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, факатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади".

Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқларига тааллуқли нормалар устувор ўрин эгаллайди. Асосий Қонунимизнинг бир қатор моддаларида ҳам аёллар ва болалар ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унинг XIV боби оила муносабатларига бағишланган бўлиб, 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эганлиги, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланиши белгиланган. 64, 65 ва 66-моддаларида эса ота-



олиш давлат томонидан қафолатланади. Мақтаб ишлари давлат назоратидадир".

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, уларнинг саломатлигини асраш, миллий қонунийликда ҳам тўла-тўқис ўз исботини топган десак, адашмаган бўламиз. Бинобарин, ҳар жабҳада фаол ва интилувчан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга шароит яратиб бериш, меҳнаткаш ва фидойи аёлларни рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Оилаларимизнинг тинчлиги, хотиржамлигига, уларнинг турмуш тарзи яхшиланишига эътибор қаратишмоқда. Энг аввало, хотин-қизларнинг сийҳат-саломатлигини сақлашга катта аҳамият берилаяпти. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир".

Гулида ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Андижон Давлат университети  
катта ўқитувчиси

# ТАДБИРКОРЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Тадбиркорлик ҳар бир давлат иқтисодиётининг етакчи кучи, жамият тараққийотининг ўзаги ҳисобланади. Шу боис ҳам, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг бевосита раҳнамолигида хусусий мулк давлат ҳимоясига олинди. Конституциямизда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли экани, бозор муносабатлари ирчи ривожланиб бораётган ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташки этиши, истеъмолчиар ҳуқуқларининг устуниги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркиниги, барча мулк шаклларининг тенгаги кафолатланди.

Истиқлолнинг ўтган чорак асри давомида иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиги айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди. Лекин, ачинарли томони шундаки, орамизда тадбиркорликни тор маънода, фақат шахсий даромад ортириши, деб тушунадиганлар ҳам бор. Бундай сохта тадбиркорлар қай йўл билан бўлмасин, қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишди, қонуний солиқ тўловларидан бўйин товлаган ҳолда фаолият юритишди. Бу билан улар давлатни эмас, балки ўзларини алдаётганликларини англамоғлари керак. Ҳар қандай қонунбузарлик эса жавобгарликка етаклайди.

Шунингдек, қонуний фаолият олиб бораётган ҳар бир тадбиркор давлат уларнинг ҳимоясига эканлигини билиши, ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, махсулот ҳам ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Президентимиз илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да бошқа муҳим устувор масалалар қаторида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириши янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилганлиги ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ҳуқуқий ҳимоялаш доир вазифаларнинг белгиланганлиги ҳам тадбиркорликнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошқарма томонидан асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан профилактика, ҳуқуқ тарғиботи ишларини кучайтирган ҳолда

янги иш ўринлари яратиш, хуфиёна иқтисодиётга, тадбиркорликнинг остида ноқонуний фаолият юритиб, соғлом рақобат муҳитини бузаётган шахсларнинг фаолиятига барҳам бериш орқали тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилмоқда.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа ҳисобланиб, бу борада мунтазам тезкор-таҳлилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг қонуний фаолият кўрсатишига, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган суистеъмолчиликларни фож этиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан ҳам тегишли ишлар олиб борилиб, янги иш ўринларини яратиш ва бозорни сифатли махсулот билан таъминлаш мақсадида 187 та субъектга амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, 497 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Юртимизда ёш оилаларни кичик оилавий бизнесга жалб қилиш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилиб, амалга татбиқ этилмоқда. Кейинги йилларда маҳалла гузарларида пойабзал тикиш ва таъмирлаш устaxonалари, тикиш цехлари, радио, телеаппаратураларни таъмирлаш устaxonалари, нов-



войхона, сартарошхона, миллий унармандчилик устaxonалари ташкил этилмоқда. Айниқса, ҳар бир соҳада усташгирдчилик аъёнларининг йўлга қўйилиши эса, асрлар давомида шаклланиб келган оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бу орқали касаначилик фаолияти янада ривож топмоқда.

Бошқармаимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасида 2236 та профилактик тадбирлар ўтказилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўриб борилиши натижасида ноқонуний ишлаб чиқариш билан боғлиқ 56 та ҳолат аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Мадлумки, 2012 йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 3-моддасида оилавий тадбиркорлик оила аъзо-

Жаҳонгир ИГАМОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

лари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти эканлиги, бу тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши белгилаб қўйилди. Ушбу қонун мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар турини кўпайтириш, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлайди. Унда оилавий корхоналар ташкил этиши, бу орқали оила аъзолари ва яқин қариндошлари иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча асослари ишлаб чиқилган.

Айни вақтда аҳоли орасида оилавий тадбиркорликка катта қизиқиш уйғонди. Буни пойтахтимиз туманларида ўтказилган текширувлар натижасидан билишимиз мумкин. Биргина шу йилнинг ўзида тадбиркорлик билан яширин фаолият кўрсатиб келаётган 38 нафар фуқаронинг фаолиятига қонуний тус берилди. Натижада 32 та яқин тартибдаги тадбиркор, 1 та оилавий корхона, 1 та хусусий корхона, 1 та МЧЖ ва яна бошқа турдаги тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлади. Энг муҳими, уларнинг қонуний фаолият юрита бошлаши билан 66 та янги иш ўрни очилди.

Хусусан, пойтахтимизда ноқонуний фаолият юритиб келаётган фуқаро Х.Раҳматуллаев санитария-гигиена талабларига риоя қилмаган ҳолда лағмон ва хоним таомларини тайёрлаб, аҳолига сотиб келаётгани аниқланган. Фуқаро Ю.Ваҳобова эса ўй шароитида ширинликлар тайёрлаб, "Қўйлик" дехқон бозори худудига ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотиб юрган.

Юқоридаги икки ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўз вақтида берилган ҳуқуқий ва амалий маслаҳатлар қонунбузарларни тадбиркорга айлантди. Х.Раҳматуллаев давлат рўйхатидан ўтиб, "Умид тараққиёт бизнес" оилавий корхонасини ташкил этган бўлса, Ю.Ваҳобова "Чирчиқ-касаначилик мадад" номли корхона очиб, қонуний фаолият юрита бошлашди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳуқуқ тарғиботини юрдошларимизнинг тадбиркорлик фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун барча имкониётлар ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқин икки махсулотдан қичиқиб қилинган ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорларнинг сафи кенгайиб бораётганлигидан, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати ва самардорлиги юксалаётганлигидан далолатдир.



Она диёримиз мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислам Каримов раҳбарлигида оламшумул тарихий ютуқларни қўлга киритди. Аввало, Ўзбекистон тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллади. Дунё бизнинг миллий давлатимизни таниди, буюк келажагимиз пойдевори барпо этилди.

## ҲАҚЛИ ДАВРОНСАН, ИСТИҚЛОЛ!

Шаҳарларимиздаги маҳобатли бинолар, равон йўллар, гулзорлар кўзларни қувнатди. Мустақиллик боис диёримиздаги маънавий юксалишлардан кўнгул қувнади. Азиз Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликлари қанчадан-қанча таҳсинларга лойиқ ва бу бизга қанчалар шарафли масъулият юқлайди. Президентимиз келажагимиз эгалари бўлган ёшларга билимли ва бахтли бўлишлари учун улкан имкониётлар яратмоқда. Биз, ёшлар бу ғамхўрликнинг қадрига етишимиз, она халқимизнинг нон-тузини оқлашимиз зарур деб ўйлайман. Юртбошимизнинг ёшларга билдираётган юксак ишончи шу юрт фарзанди сифатида қалбимни тўлқинлантириб туради.

Мустақил давлатимиз томонидан ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг камол топиши, билимли ва бахтли инсонлар бўлиб етишиши учун ташкил қилинаётган турли танловлар, Давлат мукофотлари, жумладан, Зулфия номидаги давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти танлови ва шунга ўхшаш нуфузли рағбат ва имтиёзлар Юртбошимиз ва мустақил давлатимизнинг оталарча ғамхўрлиги ифодасидир.

Истиқлол туфайли маънавий етуқ, зукко ва билимдон, спорт майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди. Истиқлол бундай улғувор вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаб, Ватан тақдирини, унинг бугунги кунини ва келажагини учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, онгли, кучли, мард ёш авлоднинг вояга етказмоқда.

Ҳурликнинг хуш насимларидан гўнаҳдек очилган бу авлоднинг навқирон юраги "Ватанимнинг номини дунёга

Зарнигор НОРМАМАНОВА,  
хуқуқшунос

достон этаман, жаҳоннинг ғолиблик шоҳсупаларида юртим байроғини кўтараман, Ўзбекистон мадҳиясини янграман, ўзбек ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайди", деган ўтли тилка ва ахдлардан ёлқинланмоқда.

Дарвоқе, бизни истиқлол фарзандлари, истиқлол мевалари дея таърифлашса, фахрланиб кетаман. Ҳақиқатдан ҳам истиқлолдан баҳра олиб камол топаётган мустақил фикрли, қарашли, руҳи озод, навқирон авлодмиз. Бизни бахтли авлод деб ҳам айтишади. Чунки шоир айтгани каби "Бу кунларга етганлар, етмаганлар бор". Юртимиз тарихини ўқисак, истиқлол бизга тўхфа тарихида берилмагани, бу нурафшон кунлар не-не аждодларимизнинг тўқилган қони, жони эвазига келганига амин бўламиз. Улар жон тикиб курашган, аммо етолмаган кунларга турли етдик. Ғуруримиз, келажагимиз истиқлол нуридан ойдин бўлди. Осмонимиз тонг каби мусаффо, мақсадимиз аниқ. Қалбимизда фахр-ифтихорга тўлган ҳолда шаҳдам қадамлар билан олға интилягимиз. Зиммамиздаги бурч, масъулият ҳам шу қадар улғур, шу қадар азиздир. У ҳам бўлса юртимиз истиқлолини халқимиз эркини озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг ҳафсизлигини ҳимоялаш вазифасидир.

Она Ватанимиз истиқлоли юрагимизга "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" деган улғур орзу ва ишонччи "Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам" деган улкан ғурур, ифтихор хиссини бахш этган.

Менинг келажақдаги орзуим, она Ватанимни мадҳ этиш, бунёдкор меҳнатқаш халқимизни улғулаш, зарур бўлса, Ватан учун жон фидо қилишга ишонччи юртимиз тарғиб этиш, адалотли ҳуқуқшунос бўлишдир.

## Истиклолдан яшнаган Мингбулок

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби ўтган чорак аср мобайнида чуқуварлар маскани ҳисобланмиш Мингбулоқда ҳам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳаётиимизнинг барча жаҳдаларини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. "Ўзбек модели" деб эътироф этилган, тараққиётимизнинг машур беш тамойилига асосланган ўзимизга хос ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини янада чуқурроқ идрок эташимиз Қувонардиси, таълим соҳасими, соғлиқни сақлашни, тадбиркорликни, аграр тизимни, улардаги ишчи ривожланишга, одамларимизнинг эса ўз меҳнатидан мамнун, эртанги кундан кўнгли тўқлигига гувоҳ бўласиз.

Туман аҳлининг астойдил қилган меҳнатлари туфайли мустақиллик йилларида мисли қўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Биргина ободлаштиришни олайлик, 1991 йилда туманда 17 миң квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилган бўлса, 2015 йилда бу рақам 57,2 миң квадрат метрни ташкил этди. Инфраструктура объектлари қурилиши бўйича барча кўрсаткичлар олтинчи ўринда бўлиб, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги тубдан яхшиланиши таъминланди. Мустақиллик шарофати билан қурилиш ва коммуникация соҳасида ислохотлар жадаллашди. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига эътибор кучайди. 2010-2015 йилларда олтинчи мавзуда жами 193 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда ҳам бу ишлар илҳом ва ҳаётга эътибор, Мустақиллик, Маданият, Тегирмонбози мавзелаарида умумий қиймати 8 миллиард 37 миллион сўмлик бўлган 46 та уй-жой қурилади ва ўз эгаларига топширилади.

2000 йилдан буён туманда 4175 ўқувчига мўлжалланган 6 та коллеж фойдаланишга топширилди. 3022 нафар ўқувчига мўлжалланган тўртта мактаб биноси болажонларни ўз барига олди. 15 та мактаб реконструкция қилиниб, 14 таси мукамал таъмирланди. Соғлиқни сақлаш

тизимига эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Аҳолига 132 нафар врач ҳамда 731 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. "Саломатлик-2" ва "Саломатлик-3" дастурлари асосида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида олтинчи ўринда врачлик пункти қурилиб, ўн таси мукамал таъмирланди. Уларнинг ҳар бирига 4280 АҚШ доллардан жами 68480 АҚШ долларлик энг замонавий тиббий жиҳоз ва аппаратуралар келтирилди. Улар "Дамас" русумли "Тез ёрдам" автомашинаси билан таъминланди. Турғу комплекси биноси 128 миллион сўм бюджет маблағи ҳисобидан тўлиқ таъмирланди.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчилик жадал ривожланиб бормоқда. 1991 йили 49 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатиб, уларда 251 киши ишлаган бўлса, бугунги кунда 2049 та субъектда 9235 киши меҳнат қилмоқда. Хусусий тадбиркорлар сони 211 нафардан 816 нафарга, миллий ҳунармандлар 65 нафардан 335 нафарга етди. Аини пайтда 451 киши касаначи сифатида умумий оқолишига муносиб улуш қўшмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги туманнинг асосий соҳаси ҳисобланади. Paxтачилик ҳамда ғаллачиликни ривожлантириш бўйича қабул

қилинган ҳукумат қарорлари ижроси асосида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 33400 гектар экин майдони фермер ҳўжаликлари тасарруфида. Бугун туманда 712 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатаётган ва улар бу йил ҳам пиллачилик ва ғаллачиликда юксак натижаларга эришишди. Хар қачонгидан кўра кўпроқ пахта этиштириш учун ғўза парваршини агротехника талаблари асосида олиб баришяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда кўпгина илгор технологиялар синоводни ўқитиб, вилоятга ёйилмоқда. Олимлар томонидан ишлаб чиқилган ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш технологияси тумандаги кўпгина фермер ҳўжаликларига ҳаётга татбиқ этилди. Унинг афзаллиги шундаки, шўрланиш даражаси кучли бўлган Мингбулоқда бу усул билан текисланган майдонлардан сувдан тежаб-тергаб фойдаланш, ғўзага ишлов бериш даврида тракторларга кетадиган сарф-харажатларни кескин қисқартириш имконияти пайдо бўлади.

Республикамиз олимлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта териш агрегатлари ҳам айнан туманидэн пахта далаларида синовод муваффақиятли ўтди. Яна бир муҳим жиҳат ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Гулбў пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти республикамиздаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида етакчи корхоналардан бири саналади. Бойси, бу ерда тайёрланаётган пахта толаси ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради.

Юртбошимиз раҳнамолигида турли соҳаларда узокни қўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар натижасида туман иқтисодий қудрати мустаҳкамланиб, халқ фаровонлиги ортиб бормоқда. Хар бир жаҳада эришилаётган ютуқлар туман аҳли ҳаётида ул-

кан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, саноатни ривожлантириш, самарали ва ихчам ҳажмдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни бунёд этиш, шу йўл билан иш ўринларини қўлайитириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича аниқ дастурлар асосида иш олиб боришмоқда. Биргина ўтган йили саноатда 73,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2014 йилга нисбатан 108,3 фоиз ўсишга эришилди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши таъминланди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 15 миллиард 585 миллион сўм кредитлар ажратилди. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи "Ягона дарча" маркази фаолияти намунали йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил сентябрь ойда вилоятимизга, хусусан, туманимизга ташириш доирасида билдирилган тақлиф-мулоҳазалари асосида саноат салоҳияти ва инфратузилмасини кескин ривожлантириш бўйича 2016-2019 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, саноат тармоғида умумий қиймати 260 миллион АҚШ долларлик 21 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида 2005 та янги иш ўринлари яратилади. Жумладан, "Ўзбекнефтгаз" ҳолдинг компанияси томонидан Мингбулоқ нефть қонида қидирув ишларини амалга ошириш ва ишлаб чиқариш қуввати 200 миң тонна бўлган нефть қазиб олиш объекти, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси томонидан эса алюмин профилларидан эшик ва ром ишлаб чиқариш, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ва "Ангренто-

Шухрат КАСИМОВ,  
Мингбулоқ туман прокурори

конметаллургия комбинати" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан эса 2017-2019 йилларда кооперация асосида юқори кучланишга мўлжалланган электр кабеллари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар қўзғалтирилган "KENWOOD" бренди остида замонавий турдаги маийий электр жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича қурилиш ишлари жадал суратлар билан олиб боришмоқда. Лойиҳа қиймати 5,5 миллион АҚШ доллари бўлган бу корхона ишга тушади, 300 киши муҳим иш жойига эга бўлади.

Бугун туманнинг ҳар бир ғўшасида байрамона кайфият ҳукмрон. Пахта пайкалларида катта хирмонга гўза замин ҳозирланган! Бир вақтлар чўл-биёбонлардан иборат бўлган, бугун эса ҳақиқий боғу бўстонга айланган туман заминиде этиштирилган тилими тилини ёрдагидан қовун-тарвулар, туриндан шакар меваю узумлар дастурхонларимизни безамоқда. Катта-катта пайкалларида шоли майсалари гуркираб ривожланмоқда.

Истиклолимизнинг шонли чорак асрлик тўғи тантаналарида туманда ўзгача руҳда нишонланаётган. "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" эзгу шiori остида бўлиб ўтаётган турли байрамона тадбирларда мамлакатимиз, жумладан, туманимизда мустақиллик йилларида эришилган ижобий натижалар сарҳисоб қилиниб, турли миллат вакилларининг қуй-қўшиқларида Ватан мадҳи баралла янграмоқда.

## «Afrosiyob»нинг навбатдаги манзили Бухоро

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

— Мустақиллик йилларида юртимизда темир йўл соҳасида амалга оширилган беқийс янгиланишлар мўжизанинг ўзи, — дейди Бухоро муҳандислик-технология институти ўқитувчиси Фармон Аминов. — Бундан бир неча йил олдин Бухоро ва Тошкент шаҳарлари ўртасида "Шарк" тейзорар поезди қатнай бошлаганда пойтахтга 10-12 соатда қатнаб ўрганган бухороликлар бу вақт тенг ярмига қисқарганига ишонмаган, хатто чўчиган ҳам эдик. Чунки Тошкентга бориш ва яна Бухорога қайтиш учун икки кун вақтимиз йўлда ўтарди. Бунинг устига 600 километрик масофани ана шунча вақтда босиб ўтишда вагонлар ичи қишда совиб кетар, ёзда эса иссиқ ва дим ҳавода нафас олиб бўлмасди. Йўл азоби кишини холдан тойдирарди. Бундай шароитда "Шарк" мўжизадек туюлган эди-да. Бугун энди қаранг, юртимиз тараққиётга монанд поездларимизнинг ҳам шиддати, тезлиги ошиб бормоқда. Тошкент ва Самарқанд ўртасида "Afrosiyob" поезди қатнай бошлаганида унинг имкониятлари ҳақида эшитиб, ҳавас қилгандик. Ҳа йилларда Президентимиз бундай поездлар юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам боради, деб айтганида "ўша кунларни биз ҳам кўраимизми?" деб ўйлангандик. Яратанга шукр, бугун орзу қилган кунга етдик, замонавий поезднинг илк йўловчиси бўлиб, хурмат-эҳтиром кўрапмиз. Бизга бундай бахт берган, гуруримизни баланд, қаддими тики қилган мустақиллигимиз абадий бўлсин!

— Поезднинг тезлиги юқори бўлса-да, вагонлар ичида ҳеч қандай тебраниш, шовкин сезилмас экан, — дейди "Навоийазот" акциядорлик жамияти бўлим бошлиги Шухрат Жўраев — Мана, чой ичиб кетяпмиз. Пиёладаги чойнинг тўқилмай турганини кўриб, бир таблодаги поезд тезлигига, бир ойнадан ташқарига қарайман. Таблода тезлик — 250 километрни кўрсатмоқда. Ойнадан юртимизнинг гўзал табияти, обод бўлиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз киёфаси кино лентасидек ўтмоқда. Бир пайтлар армон, ушалмас орзу бўлган истакларимиз бугун мустақиллик туфайли, Президентимизнинг инсонпарвар сиёсати туфайли амалга ошмоқда. Халқимизнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. 25 август кuni соат 8:00 да Тошкент шаҳридан йўлга чиққан поезд орадан 2 соат-у 8 дақиқа ўтиб, Самарқанд темир йўл вокзалида вилоят жамоатчилиги томонидан тантанали кутиб олинди. Соат 10:30 да бир гуруҳ самарқандлик фаоллар қўшилган "Afrosiyob" поезди илк бор Бухоро томон йўлга тушди.

— 2011 йилда Тошкент — Самарқанд йўналишида ушбу поезд қатновининг йўлга қўйилиши юртдошларимиз учун жуда катта қўлайлик яратиб билан бирга, мамлакатимизда туризмин ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтирди, — дейди самарқандлик меҳнат фахрийси Зоир Зиёев. — "Afrosiyob" да эрталаб Самарқандга келиб, кечки пайт яна шу поездда Тошкентга қайтиб кетаётган сайёҳлар сафи

кенгайди. Энди унинг Бухорога ҳам қатнай бошлаши қадимий шаҳарга келадиган сайёҳлар оқими янада кенгайтириши шўбҳасиз.

Шу кунгача йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги масофатга темир йўл орқали 7-8 соат вақт сарфлаган бўлса, энди 3 соат-у 20 дақиқада ўз манзилларига замонавий поездларда хордиқ қариб етиб олишлари мумкин.

— Асли бухороликман, 30 йилдан буён Самарқандда яшайман, — дейди Самарқанд давлат университети профессори Шавкат Хасанов. — Баъзан дўстларимиз Бухородан Самарқандга поездда осилиб келиб, шу ерда қолиб кетгансиз, деб мутўйба қилишади. Икки қадимий шаҳар ўртасидаги масофа 300 километрга етмаса-да, ўша вақтларда шугина йўлни босиб ўтиш ҳам нақд азоб эди. У кунларнинг тарих бўлиб қолганига шукр. Мана, энди "Afrosiyob" Бухоро томон йўлимизни яна ҳам қисқа қилди. Бу поезд Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига халқимиз учун энг катта совға бўлди.

Самарқанд, Навоий вилоятларининг истиқлол байрами шукҳи билан яшаётган шаҳар ва қишлоқлари, бепоян далаларидан елдек учиб ўтган поезд соат 11:40 да Бухоро темирйўл вокзалига етиб келди.

Бу ерда илк поезд ва унинг йўловчилари Бухоро вилояти фаоллари, кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди. Поезддан тўшаётганларнинг тилида шукроналик, юз-қўзида ҳайрат ва қувонч. Барча бир-бирини табриқлайди, таассуротларини изҳор этади.

Бухоро вокзалида Тошкент — Бухоро

ро — Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поезди қатновининг йўлга қўйилишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Абдуллаев, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О. Раматов ва бошқалар барчани ушбу муҳим воқеа ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан мубаракбод этишди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўл соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари янги вокзал биноси, бу ерда йўловчилар учун яратилган шароитлар билан танишишди. Вилоят марказидаги диққатга sazovor жойларга саёхат ушотирилди.

Шу куннинг ўзида "Afrosiyob" поезди Бухородан Тошкентга қайтди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳанинг фойдаланишга топширилиши натижасида темир йўл устиқасининг ўтказиш имконияти 36 фоиз ошиб, эксплуатация харажатлари 36 фоиз камаяди. Ушбу йўналишда 200 дан ортик янги иш ўрни яратилган.

Мазкур йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд қатнови йўлга қўйилиши билан юртимизда бундай поездлар ҳаракатланадиган темир йўллар узунлиги 700 километрдан ошди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

# Дастлабки терговда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш масалалари



Тезкор-қидирув фаолияти натижалари леганда, Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ равишда олинган, тайёргарлик кўрилаган, содир этилаётган ёки содир этган жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган ҳамда суриштирув, тергов органлари ёки суддан яшириниб юрган шахслар ҳақидаги маълумотлар тушунилади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари тезкор-хизмат ҳужжатлари (орган ходимининг билдиргилари, маълумотномалари, ҳисоботлари, далолатномалари, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирлари иштирокчиларининг тушунтириш хатлари ёки фуқароларнинг аризалари, у ёки бу идоранинг далолатномалари ёки ҳужжатлари ва бошқаларда) ўз ифодасини топади. Тезкор-хизмат ҳужжатларига тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида олинган нарса ва ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Тезкор-қидирув фаолияти доирасида тезкор-техник тадбирлар ўтказилган ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда техник воситалардан фойдаланилган тақдирда тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари ахборотнинг моддий (жисмоний) ташувчиларида (фонограммалар, видеограммалар, киноленталар, фотоплёнкалар, фотосуратлар, магнит ва лазер дисклари, қолиплар ва шу кабиларда) қайд этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддаси "Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш" деб номланиб, унда бу каби материалларни суриштирув, тергов органларига, прокурорга тақдим этиш тартиби белгиланган. Ушбу модданинг диспозицияси ҳавола ҳисобланиб, унинг мазмунини аниқлаш учун "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-процессуал ва бошқа қонунларнинг тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал амалиётини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларига асосланиш зарур бўлади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи, прокурорга тақдим этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигининг жиноят ишнинг кўзгатиш сабаблари ва асосларини (ЖПКнинг 322-моддаси), айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларини (ЖПКнинг 82-моддаси), далиллар ва уларнинг турларини (ЖПКнинг 81-моддаси), уларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш (ЖПК-

нинг 85-моддаси) тартибини белгилловчи қоидаларига асосланиш лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятининг амалга оширилиши ахборот олиш билан бир қаторда, ушбу ахборотдан фойдаланишни ҳамда процессуал хусусиятга эга қарорлар қабул қилишни назарда тутди. Масалан, назорат остига олиш тезкор-қидирув тадбири натижалари процессуал қарорлар қабул қилиш (жиноят иши кўзгатиш), тергов ҳаракатлари ўтказиш (тинтув, олиб қўйиш, воқеа жойини кўздан кечириш) учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ерда тезкор-қидирув фаолияти натижаси муайян тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш натижаси билан айналаштирилган, ахборотни нопроцессуал йўл билан олиш эса ундан жиноят процессини доирасида кейинчалик фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасида "Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзгатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юридувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин"лиги ўз аксини толган. Шу билан бирга, ушбу моддада ҳам, жиноят-процессуал қонунчилигида ёки бошқа қонун ҳужжатларида ҳам тезкор-қидирув фаолияти натижаларига аниқ тушуنча берилмаган бўлиб, уларга қандай ҳужжатлар киритилиши аниқ қайд қилинмаган.

Муқаддам тезкор-қидирув фаолияти натижалари ЖПКнинг 81-моддасида қайд этилган далиллар рўйхатига киритилмаган эди. 2016 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан ЖПКнинг 81-моддаси "Қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ

текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкин" деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди. Шунингдек, мазкур қонун билан "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида акс этирилган тезкор-қидирув тадбирларига ҳам тегишли тушунарлар берилди.

Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзгатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юридувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек, бу материаллардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

Жиноят иши кўзгатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят аломатларини кўрсатувчи етарли маълумотлар бўлиши керак. Ўрни жиноят аломатлари қаерда, қачон ва қандай шароитда аниқлангани; уни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотлар, жиноят гувоҳлари, далил бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатлар сақланаётган жой; жиноят иши кўзгатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа факт ва ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар.

Прокурор жиноят иши кўзгатиш ҳақидаги қарорнинг қонуний ва асосли эканлигини баҳолаганда мавжуд маълумотларнинг барчасини инобатга олиши шарт.

Тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун тезкор-қидирув фаолияти материаллари суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этилиши мумкин. Тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказиш учун тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш дегадан, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш ҳамда ушбу ҳаракатларни бевосита амалга оширишда мазкур натижаларни фойдаланиш имконияти тушунилади. Тўпланган тезкор-қидирув маълумотларидан тергов ҳаракатларини ўтказишда фойдаланиш мумкин бўлиб, бу маълумотлар муайян тергов ҳаракатини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги, ҳаракатлар тартиби ва кетма-кетлиги, уларнинг тактикасини белгилашга имкон бериши, муайян жиноят иши бўйича терговнинг мақбул методикасини ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат бериши мумкин.

Айрим тергов ҳаракатлари

фақат муайян шароит бўлгандагина ўтказилиши мумкин. Масалан, сўроқ қилиш фақат сўроқ қилинадиган шахс аниқланган, терговчи, суриштирувчи, прокурор ҳузурга олиб келинган тақдирдагина ўтказилиши мумкин. Шунингдек, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган объектлар муайян жойда эканлиги ҳақида тезкор маълумотларнинг мавжудлиги тинтув ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишнинг шартин ҳисобланиб, терговчи ушбу тергов ҳаракати натижасида олинган ашёларни жиноят ишига қўйиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан исбот қилиш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Исбот қилиш ишнинг қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир (ЖПК 87, 94, 95-моддалари). Бунда қуйидагиларга оид далиллар назарда тутилади: жиноят ҳодисаси (жиноят содир этилиши вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлари); жиноят содир этганликда шахсининг айбдорлиги, айбнинг шакли ва мотивлари, айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; жиноят тўғрисидаги етарли қонун ҳужжатлари ва оғирлаштирувчи ҳамда жиноий жавобгарлик ва миқдори; қилмишининг жиноийлиги ва жазоланишини истисно этувчи, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар.

Қонуннинг 19-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ эса тезкор-қидирув фаолияти натижалари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида суриштирув, тергов органларига, прокурорга техника воситаларидан фойдаланиш натижасида олинган материаллар қўйилган ҳолда тақдим этилади.

Қонунда тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тақдим этиш фақат умумий шаклда тартибга солинган бўлиб, унинг тезкор-қидирув жиҳатининггина акс эттиради. Бу каби материалларни юбориш тартиби 2013 йил 6 декабрдаги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар раҳбарларининг қарори асосида қабул қилинган "Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилиш тартиби ҳақида"ги Йўриқномада белгиланган бўлиб, уларни тақдим этиш ҳақидаги қарор уч қисмдан, яъни кириш, тавсифлаш ва қарор қисмидан ташкил топган.

Қарорнинг кириш қисмида ҳужжатнинг номи, чиқарилган жойи ва вақти, қарор чиқараётган орган раҳбарининг фамилияси, исми-шарифи, лавозими ва махсус унвони ҳамда мазкур қарор чиқарилишининг асослари акс эттирилади.

Қарорнинг тавсифловчи қисмида қайси тезкор-қидирув

Вахабжан КАРИМОВ,  
Бош прокуратуранинг ОУК  
ўқитувчиси  
Гулом КОДИРОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Қашқадарё вилоят бошқармаси  
бўлим катта инспектори

тадбири оқибатида ва қандай натижалар олингани, унда айнан қайси аниқ жиноятлар ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги (Жиноят кодексининг аниқ моддасини кўрсатиб), бунда қайси техника воситаларидан фойдаланилган, ушбу натижадан фойдаланилган (жиноят иши кўзгатиш, тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказиш, жиноят иши бўйича далиллар сифатида фойдаланиш учун) тақдим этилгани, муайян тезкор-қидирув тадбирига қим ва қачон санкция бергани, уни ўтказиш учун (агар зарур бўлса) прокурор қарорининг мавжудлиги кўрсатилади. Қарорнинг тавсифлаш қисми "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли нормасига ҳавола этиш билан якунланади.

Қарорнинг хулоса қисмида орган раҳбарининг тезкор-қидирув фаолияти натижаларини акс эттирувчи тезкор-хизмат ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги қарор ифодаланади. Шу ернинг ўзида тақдим этилаётган ҳужжатлар, жиноят ишлари мавжуд бўлган нарслар, аудио, видеоёзувлар ва бошқа материаллар ҳам кўрсатилади.

Тезкор-қидирув фаолияти доирасида тезкор-техник тадбирлар ўтказилган ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш чоғида техника воситаларидан фойдаланилган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари ахборотнинг моддий манбалари, ташувчилари (фонограммалар, видеограммалар, фотосуратлар, дисклар ва бошқалар)да ҳам қайд этилиши мумкин бўлиб, улар ҳам тезкор-қидирув фаолияти субъектининг қарорига илова қилиниши лозим.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этиш усули (почта орқали юбориш, қўлда етказиб бериш ва бошқа усуллар) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан, ҳар бир аниқ ҳолат бўйича иш юритишни ташкил этишнинг тартибига соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ҳисобга олинган ҳолда танланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан оқилон фойдаланишни тақозо этади. Ушбу натижаларга эътиборсиз бўлиш, уларни инкор этиш эса аксарият ҳолларда жиноятларни очилмай қолишига, жиноят ишларини қўйимча терговга қайтаришга ёки жиноят ишларининг туғатилишига сабаб бўлиши мумкин.

# Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намойиши

Мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги изчил тараққиётни улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Янги sanoat корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мустақиллик иншоотлари деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилиги ва гўзаллигидан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.



Президетимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда.

Мамлакатимиз ривожини ёрқин акс эттирган Тошкент шаҳрида ҳам улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтимиз ўзининг тарихий хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги-янги иншоотлар, турар жойлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларга қулай шароит яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтохур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини энгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди.

Жорий йилда 386 хонадондан иборат 20 замонавий уй-жой қуриб битказилди. Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга барча қулайлик

яратишга қаратилган эътибор ҳар қадамда кўзга ташланади. Биноларни лойihalаштиришда иқлим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баро-

сайр қиламиз, болаларимиз маза қилиб ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифати, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани натижасида автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ йўл-коммуникация тармоқлари изчил ривожлантирилмоқда. Барча ҳудудларда янги йўллар қурилмоқда, мавжудлари кенгайтирилмоқда. Пойтахтимизда шаҳарнинг келгуши ривож ҳам ҳисобга олинган ҳолда кенг ва раван йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилди. Нурафшон кўча-



баргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчандоқ ҳар хил ўзоқликда қурилган ва оралик масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шамол айланишини таъминлайди.

Турар жойлар орасида майсазорлар барпо этилган. Манзарали дарахтлар, райхонлар экилган. Болалар учун ўйин қурilmалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги биз учун қўшалок байрам бўлди, — дейди ушбу уй соҳибаларидан бири Нигора Ҳасанова. — Яқинда уч хонали уйга кўчиб ўтдик. Бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, баҳаво. Ҳовлида оилавий



си Оқтепа майдонигача 4 километр узайтирилди ва Муқимий кўчасига уланди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида замонавий кўприк барпо этилди. Ушбу чорраҳада бошланган берк қўчанинг иккинчи томони Бобур кўчасига уланди. Шу тариқа пойтахтимизда яна бир айланма йўл барпо этилди.

Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида илгари соатига меъёрдаги 6 минг ўрнига 11 минг 500 автомобиль, яъни қарийб икки баробар кўп транспорт ҳаракатланар эди. Оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилги сарфни ошириб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 19 метр, узунлиги қарийб 1 километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Муқимий кўчасининг ҳар бир йўналиши беш тасмали қилиб кенгайтирилди.

Янги кўприкнинг қурилиши нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Бунёдкор, Чилонзор, Чўпонота, Қушбеги, Бобур кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Ушбу иншоот "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприкқурилиш" трести томонидан бунёд этилган. Хорижнинг энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Кўприкнинг ёнида пидедалар учун қарийб 90 метрлик битта, Оқтепа майдонида 48 ва 60 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Уларнинг усти ёпилган, атрофи бежирим панжара ва ойналар билан ўралган. Бу одамларни қишда ёгиндан, ёзда иссиқдан ҳимоялайди, атрофдаги манзарадан баҳра олишга имкон беради.

Бундай бунёдкорлик ишлари бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, кўприклар қурилмоқда. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулайлик яратиш мақсадида Тараққиёт кўчаси ҳам узайтирилди. Унинг Пахлавон Маҳмуд ва Мирзо Улуғбек кўчалари билан туташган жойидан Охангарон кўчасигача Тошкент механика заводи ҳудуди орқали 3 километр янги йўл қурилди. Тараққиёт кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли чорраҳасидаги кўприк реконструкция қилинди.

Шу каби қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қулайликлар орттириб бораётир.

Бундестимиз раҳбарининг гоёси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтохур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Бундестимиз раҳбарининг гоёси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтохур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

УЗА

## Иқтисодий манфаатлар ҳимояси таъминланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида мустақиллик йилларида божхона органларида эришилган ютуқларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий божхона хизмати шаклланишини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда божхона органларида соҳа инфратузилмаси, моддий-техник базасини модернизация қилиш, илмий-техник салоҳиятини такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга ошириляётир.

Давлат божхона қўмитасида ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, таҳлил қилиш, сақлаш ва узатиш бўйича кўплаб автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ишлаб чиқилгани ва жорий этилгани самарасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари оптималлаштирилди, товар ва транспорт хизматлари ҳаракатлари назорат қилинмоқда, ташқи савдо муносабатлари иштирокчилари учун қулайликлар яратилмоқда.

Бу борадаги аксарият ло-

йиҳалар "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва ривожлантириш доирасида ҳаётга татбиқ этиляётир. Масалан, "Божхона" ахборот тизимлари комплекси товарларни божхонада бир кунда расмийлаштириш ва бошқа тегишли хизматлар кўрсатиш, товарларни электрон шаклда рўйхатга олиш ҳамда экспорт-импорт шартномаларини қайд этиш имконини бермоқда.

Божхона хизмати ходимлари мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш-

га муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йил бошидан буён улар давлат бюджетига 3,4 триллион сўм келиб тушишини таъминлади. 11,5 мингта қонунбузарлик ҳолатининг олди олиниб, қиймати 43 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар муसодара қилинди.

Тадбирда Давлат божхона қўмитасининг бир гуруҳ илгор ходимларига "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони топширилди.

УЗА

Одам савдоси инсон шаъни ва эркини таҳдирловчи иллатлар сирасига кириб, уни турли хўрақ ва камситишларга дучор қилади. Ушбу муҳдиш жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қўлиқ ва бошқа қонунга зид қилмишлар ётади.

## Бегона юрт азоблари

**Жасур БАХТИЕВ,**  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Қашқадарё вилоят бошқармаси  
матбуот хизмати бўйича  
катта инспектори

Энг муҳими, ушбу иллатга қарши курашиш юзасидан республикада бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, фуқароларимиз мазкур муҳдиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун қатъий чоралар қўрилмоқда. Бироқ ушбу сайёҳаракатларга қарамадан айрим фуқаролар ҳамон одам-фурушларнинг тузоғига илинаётганликлари афсусланарли. Жумладан, Илхом Аллаёров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Муборак туманида яшовчи фуқаролар Алимардон Бадалов ва унинг ўғиллари Фарход, Ботир ҳамда Давронларни Қозғистон Республикасининг Остона шаҳри яқинидаги қурилишда яхши маош тўлайдиган иш борлигини айтиб, қизиқтиради. Яъни уларни ойига 500 АҚШ доллари миқдориди иш ҳақи билан таъминлашни ваъда қилиб, алдайди ва Остона шаҳрига олиб боради. Ота-болаларни жиноий шериги "Мурод" исми шаҳса топшириб, фуқаролик паспортларини олиб кўяди. Агарда иш-лашдан бош тортадиган бўлишса, шу ерда ўлдириб юборишларини айтиб кўриқтишади. Шу йўл билан уларни ўзларига қарам қилиб олган бу кимсалар, фуқароларимизни оғир ва ноқулай шароитдаги қурилиш ишларида мажбурий ишлатадилар. Маълум вақт ўтган, Алимардон Бадаловнинг соғлиги ёмонлашиб, ётиб қолади. Бироқ шундай вазиятда ҳам одам-фурушлар унинг уйига кетишига жавоб беришмайди. Урнига бошқа биронта одам келса, унга жавоб беришларини айтишади. Шундан сўнг фарзандлари оталарини олиб, республика-миз худудига қочиб ўтишга мажбур бўлишади. Минг азобларда юртларига қайтиб келган жабранувчилар И.Аллаёровнинг қилмишлари ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилишади.

Тергов-суриштирув жараёнида аниқланишича, И.Аллаёров ушбу оила аъзоларининг ишлаган ойлик иш ҳақларини мунтазам равишда олиб турган экан. Яъни у жабрдийдаларнинг 41 млн. сўмдан ортқ пулларини ўзлаштириб юрганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан И.Аллаёровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан озоликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилди.

Марғилон педагогика коллежиди таҳсил олган Зулфия-но Домуллоева қарий ўн йил мобайнида Сўх туманидаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактабиди кўни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси бўлиб ишлар, энди олий маълумотли ўқитувчи бўлишни ҳавас қиларди.

Ушунда Тожикистон Республикаси Хўждан шаҳридаги Педагогика университетида ўқиб, "Бошланғич синф ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича диплом олади. Мамлакатимиздаги қонунларга биноан, хориждаги олий билим даргоҳининг дипломи белгиланган тартибда нострификация қилинганидан сўнг мутахассис ихтисоси

## Сохтакорлик сабоғи

бўйича ишга қабул қилиниши ва ишлаши мумкин. Шу сабаб-ли З.Домуллоева 2015 йил август ойида ўзи фаолият юри-таётган мактаб маълумотиға Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузурида-ги Давлат тест марказининг нострификация гувоҳнома-сини ва Тест маркази маълумот-номасини тақдим этади ва бошланғич синф ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қили-нишига эришади. Бир ўкув йили мобайнида бошланғич синфларга дарс ҳам беради.

Бироқ З.Домуллоева тақ-дим этган ҳужжатлар ўрганил-ганда, уларнинг сохталиги аён бўлди. Суд-криминалистика

**Ҳамидуллоҳон НАСИРДИНОВ,**  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Сўх туман бўлими бошлиғи

экспертизасида унинг номига расмийлаштирилган, дипломи нострификация қилинган ҳақидаги гувоҳнома Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тест маркази томонидан берилма-гани аниқланди. Шунингдек, диплом нострификация қилин-гани ҳақидаги маълумотнома ҳам қалбақлаштирилган бў-либ чиқди.

— Тошкент шаҳрига бор-ганимда, Давлат тест маркази биноси ёнида Фотимахон де-

ган аёл билан танишиб қолдим, — дейди айбига иқдор бўлган З.Домуллоева пушман бўлиб. — У 700 АҚШ доллари эвазига ҳужжатларни расмийлашти-риб, дипломини нострифика-ция қилиб беришини айтди. Унинг тақлифига рози бўлдим. Кўкун шаҳрида учрашиб, 700 АҚШ доллари ва ҳужжатларим-ни бердим. Фотимахон Тош-кент шаҳрига қатновчи такси ҳайдовчисидан бериб юборган маълумотномани мактаб маъ-муриятига топширдим ва бош-ланғич синф ўқитувчиси сифа-тида ишлай бошладим.

Бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган ҳужжатларни қал-бақлаштириб, ундан фойда-ланган З.Домуллоевага суд то-монидан ахлоқ тузатиш ишла-ри жазоси тайинланди.

## Ҳалолликни четга сурган бошлиқ

**Хуришд ХУСАНОВ,**  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Бекобод туман бўлими инспектори

Ваколатли вазифада ишлашнинг ўзига яраша масъулияти бор. Мансаб киши-дан ҳалоллик, адолатлик ва лиёнат деган инсоний фазилатларни талаб этади. Табиатида ана шундай хислатлари бўлмаган киши ноқонуний ишларга мойил бўлиб, оқибатда унинг қилмишлари тезаа фош бўлади. Бунга ҳаётимизда учра-ётган баъзи воқеалар далил бўлади.

Бекобод туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўли-ми бошлиғи вазифасини вақтинча бажариб турган Бекмурод Тошевнинг (исм-фамилиялар ўзгарти-рилган) қилмиши ҳам юқорида кел-тирилган фикрларга мисол бўлади. Туманда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларини раҳбарларининг бири Уктам Шомансуров шартнома бўйича 7,11 гектар ер майдонига эки-лиши лозим бўлган чигит ўрнига бош-қа экин экиб юборади. Фермернинг бу ишдан Б.Тошев хабар топади ва Ў.Шомансуровни идорага чақиради. Аввалига дўқ-пўписадан бошланган юзлашув, охир-оқибат ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан яқунланади. Яъни фермер унга 300 минг сўм берса, бу ишни бости-бости қилиб, қонуний чора кўрмас-ликни ваъда қилади.

Қонуни бир марота-ба четлаб ўтган фермер-нинг иккинчи бор жино-

ятга қўл уришга виждони қийналди. У туман Ер ресурслари ва давлат када-стри бўлими бошлиғи вазифасини вақ-тинча бажариб турган Б.Тошевнинг но-қонуний талаби ҳақида ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди. СВОЖЖДЛҚ депар-таментининг Бекобод туман бўлими хо-димлари томонидан ўтказилган тад-бирда Б.Тошев жиноят устида қўлга олинди. Суд унинг қилмишларини а-трофлича кўриб чиқиб, ҳукм ўқиди.

Шунингдек, қонунбузарликка йўл қўйган фермер хўжалиги раҳбари-га ҳам тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.



## Хуфийёна фаолиятнинг олди олинди

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚ департаменти органлари томонидан ўтказила-ётган терор талбирларда тал-биркор нуқоби остида ноқону-ний фаолият юритиб, соғомо рақобат муҳитини бузаётган айрим шахсларнинг қилмиш-лари барҳам берилмоқда.

**Рафиқжон ТОЙИРОВ,**  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Яшнобод туман бўлими  
бошлиғи ўринбосари

Хусусан, департаментнинг Яшнобод туман бўлими ходимлари томонидан ўт-казилган тезкор тадбирда бир гуруҳ шахслар мuddати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш билан шуғу-лланаётганлиги фош этилган.

Аниқланишича, Носир Яминов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Яшнобод туманидаги хонадонларнинг бирида турли номдаги 53 минг до-надан ортқ, хавфсизлик талаблари-га жавоб бермайдиган ва истеъмол учун яроқсиз бўлган, умумий қийма-ти 191 млн. 785 минг сўмлик майо-

нез маҳсулотларини ўтказиш учун сақлаб келган экан. У яроқлилик му-ддати ўтиб кетган маҳсулотлардан бир қисмини фуқаро Д.Роҳиловга 900 минг сўмга сотаётган вақтида ушлан-ди.

Давлат санитария-эпидемиология мутахассисларининг ҳулосасига кўра, ушбу маҳсулотлар истеъмолчилар-нинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги маъ-лум бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинлан-ган.

Тадбиркорликнинг асосий шартла-ридан бири бу қонунларга амал қилишдир. Акс ҳолда, ҳар қандай қин-ғир иш жавобгарликка олиб келади.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий талбир-корлик ривожига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, талбиркорлик субъектла-рининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратил-ган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилин-ди. Талбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

## Сифатсиз маҳсулот

**Икромжон ГАФУРОВ,**  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Гулистон туман бўлими бошлиғи

Бундай имкониятлардан оқилона фойда-ланган талбиркорлар қонуний фаолият кўрсатиб, ҳам ўзларининг, ҳам давлатнинг иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шунингдек, қонуний талбиркорлик фаолиятини юритиш ўрнига қинғир йўллар билан даромад топиш пайида жиноий қилмиш содир эта-ётганлар ҳам афсуски орамизда йўқ эмас.

Бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Диевбек Маматов ва Хайдар Худойназаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзaro жиноий тил бириктириб, ўзларига тегиш-ли бўлган бино ертўласига қўлбола усулда ясал-ган мойжувно эсунасина ўрнатиб, шунингдек, электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланган ҳолда яширин цех ташкил қилишгани ҳамда шу йўл билан чигитдан истеъмолга яроқсиз ўсим-лик ёғи ишлаб чиқариш ва муомала қилиш билан шуғулланиб келишганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан қонунбузарларга нис-батан суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

**Давид НЕПОМНЯЩИЙ**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ва Тошкент шаҳар прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

**Мошпа ПУЛАТОВА**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ва Тошкент шаҳар прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

**Комил Тожикулова** онаси  
**Марҳамат ТОЖИКУЛОВА**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳам-дардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурату-раси жамоаси Ҳарбий прокуратуранинг бўлим Ҳарбий прокурори Муҳаммадjon Бозармирзаев-га укаси  
**Абдуманноб БОЗАРМИРЗАЕВ**нинг  
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чу-қур ҳамдардлик билдиради.

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Худойназар Маматқулова падари бузуқвор  
**Панжи МАМАТҚУЛОВ**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъ-зия изҳор қилади.



## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк жамоаси

*Сиз азизларни барчамиз учун энг улғуф ва энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрами билан чин юракдан муборакбод этади. Сизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо ва ватандошларимиз ҳамиша бахтли бўлсин!*

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

### «МУСТАҚИЛЛИК — 25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб,  
омонатга ҳисобланган фоизлар  
ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.  
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

“Асака” банк  
сармоянгиз сақланиши  
ва кўпайишини кафолатлайди.



## Мустақиллик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

“Агробанк” АТБ жамоаси юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан самимий қутлайди. Ватанимиз ҳамиша тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам тўхфаси сифатида “Истиқлол – 25” номли омонат турини таклиф этади.

www.agrobank.uz  
тел. (+99871) 203 88 88



**AGROBANK**

Хизматлар лицензияланган

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

Bosh muharrir:

**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA

Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib  
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan  
amalgga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni  
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-6885. 38 372 nusxada bosildi.  
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi matbuot va  
axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam  
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004